
Таъмирлаш ишлари сабабли бугун туманнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида вақтинчалик узилишлар бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, бугун 19 июн куни 35/10 кВли “Хотамтой” ва “Нурсух” нимстанцияларининг Т-2 трансформаторларида таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур нимстанциялардан таъминланувчи 10 кВли "Қушқўнок-2", "Оталиқ", "Охта", "Тағоб" ва "Бегобод" ҳамда истеъмолчи тасарруфидаги "Ф.Универсал" "Саховат", "Ф.Шохрух" ва "Буилдинг-1.2" узатмалари орқали электр энергиясини етказиб бериш вақтинча тўхтатилади. Айни узатмалар орқали электр энергияси билан таъминланадиган истеъмолчиларнинг электр таъминотида бугун 19 июн куни соат 09:00 дан 17:00 гача вақтинчалик узилишлар кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси
Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-06-19 08:46:38